

Далилларни чуқур ва теран англаш



16:50 / 14 декабрь 415

«Фикҳ» сўзи «фаҳмлаш», «англаш» деган маънони билдиради. Бу ерда «фаҳм» сўзи жуда муҳим, чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, Аҳли суннани бошқалардан ажратиб турган жиҳат – бу фаҳмдир. Салафлар Қуръон ва Суннат билан бирга, бизга Қуръон ва Суннатни фаҳмлашни ҳам етказишган. Демак, бизнинг устунлигимиз фаҳмлашда, тўғри фаҳмлашдадир. Кейинроқ фаҳмнинг нималиги ҳақида батафсил гаплашамиз.

Фикҳ – бу фаҳмлаш дегани, лекин бу фаҳмлаш «фикҳ» сўзининг луғавий маъносигина эмас, балки айнан далилларни чуқур ва теран англаш деганидир. Бунинг моҳиятини дарслар давомида тушуниб борамиз. Биз фикҳ мактабларининг фаҳмини, илмнинг фаҳмини ва якка шахсларнинг фаҳмини ўрганиб ўтдик. Динни, Қуръон ва Суннатни тушуниш қанчалик муҳим? Демак, фаҳм деганда, мана шуни тушунамиз. Биринчи тўхталмоқчи бўлганимиз мана шу нуқтадир.

Фикҳнинг истилоҳий маъносига келсак, унинг қуйидагича машҳур таърифи бор: «Фикҳ – бу шариатнинг тафсилий далиллардан чиқариб олинган амалий ҳукмлари ҳақидаги илмдир». Мана шу умумий таърифдир. Бу таърифга қисқача тўхталамиз, ҳамма биладиган гапларни такрор айтиб ўтирмаймиз. Маълумотимиз фан доктори даражасидаги одамлар учун ҳам манфаатли бўлиши учун таърифларни қўшимча сифатида айтиб ўтамиз, холос.

Юқорида айтганимиздек, тўғри йўлдан оғишнинг сабаби нотўғри фаҳмлашдир. Мана шуни баён қилиш учун аввал ҳамма биладиган таърифларни айтиб ўтиш керак бўлади. Уларни сизларга ўргатиш учун эмас, балки бу борадаги қўшимча маълумотларни келтириш учун зикр қилиб ўтамиз.

Демак, фикҳ шариатнинг тафсилий далиллардан чиқариб олинган амалий ҳукмлари ҳақидаги илм экан. Илм эса бир нарсанинг воқеликка мувофиқ келишидир. Фикҳ мана шу ҳукмлар илмидир. Шунинг учун ҳам бизнинг баҳсимиз муайян зотлар ҳақида эмас, илм ҳақида бўлади. Фикҳ шаръий амаллар ҳақидаги илмдир, ақлий илмлар ҳақидаги эмас. У амалий ҳукмлар ҳақидаги илмдир. Шаръий илмлар ақоид, фикҳ ва тарбияни ўз ичига олса, бизнинг мавзу буларнинг ичидан фақатгина амалий ҳукм бўлмиш фикҳ илми ҳақида бўлади. Бу илм Қуръон ва Суннатдан олинган, Қуръон ва Суннатдан чиқариб олинган. «Тафсилий далиллардан» дегани шуки, масалан, «Намозни адо этинглар» деган оят тафсилий далил бўлади, ундан чиқариб олинадиган ҳукм намознинг фарзлиги бўлади. Демак, тафсилий далил муайян бир ҳукмга хос далилдир.

Келтирилган бу таърифимиз усул уламоларининг таърифидир. Бу таъриф бизга ҳукмни Қуръон ва Суннатдан қандай қилиб чиқариб олиш ҳақида умумий тушунча беради. Усул уламолари фикҳга «илм» деб таъриф беришяпти. Нима учун? Усул илми нимани ўрганади? Усул ҳукмларни Қуръон ва Суннатдан қандай қилиб чиқариб олишни ўргатади. Шунинг учун таърифда: «Тафсилий далиллардан чиқариб олинган», деб айтиляпти. Демак, ҳар бир фикҳий ҳукмнинг далили бўлади. Усул уламолари томонидан бундай таъриф берилишининг сабаби шуки, бу фан ҳукмларни Қуръон ва Суннатдан қандай чиқариб олишни ўрганади.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.